O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
YUNUSOBOD TUMAN
KENGASHINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ЮНУСАБАДСКОГО РАЙОНОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 225/28-2 “31” декабр 2020 йил

2021 йил учун Юнусобод туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги KL21130661-сонли хатини инобатга олиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 254/30-6-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 254/30-6-сонли қарорига (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва туманлар маҳаллий бюджетларини шакллантириш:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан солиқ (ягона солиқ тўлови);

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

б) Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент

божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий ҳокимликлар активлари бўйича давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва дивидендлар;

харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга қонунга мувофиқ шаҳар маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 5 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари тўлиқ шаҳар бюджетига тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Қуйидаги солиқ турлари туманлар маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳар аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ;

2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 944 165,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳажми **1 382 640,0 минг сўм** миқдорида белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

6. Юнусобод туманининг туман маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

7. Юнусобод туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

туман маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат ҳаридлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Юнусобод туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-иловасида** келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари

ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

9. Юнусобод туман ҳокимлиги:

тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўловлар ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси К.Каримова ва Юнусобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Одилов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Юнусобод туман Кенгаши раиси **Р.Усманов**

Халқ депутатлари
Юнусобод туман Кенгашининг
2020 йил "31" декабр даги
125/28-2 -сон қарорига
1-илова

2021 йилги Юнусобод туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/р.	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ:	**139 740 575,0**
1.	Жисмоний шахсларнинг мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	6 794 139,0
2.	Қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар	3 630 029,0
3.	Акциз солиғи:	68 616 885,0
	Шундан:	
-	якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	40 281 950,0
-	алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи	18 399 271,0
-	мобил алоқа хизмати	9 935 664,0
4.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 059 160,0
5.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	17 182 077,0
6.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	3 788 646,0
7.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	12 598 946,0
8.	Айланмадан солиқ (ягона солиқ тўлови)	16 952 529,0
9.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	6 118 164,0

Халқ депутатлари
Юнусобод туман Кенгашининг
2020 йил "31" декабр даги
125/28-2 -сон қарорига
2-илова

2021 йил учун Юнусобод туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Маблағ миқдори
Юнусобод туман бўйича харажатлар миқдори Жами:		**139 740 575,0**
	Шундан:	
	Жорий харажатлар	**139 740 575,0**
1.	**Мактабгача таълим соҳаси**	**17 973 282,0**
	жорий харажатлар	*17 973 282,0*
2.	**Халқ таълими соҳаси**	**14 950 664,0**
	жорий харажатлар	*14 950 664,0*
3.	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	***68 571 658,0***
	жорий харажатлар	*68 571 658,0*
4.	**Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси**	**1 581 274,0**
	жорий харажатлар	*1 581 274,0*
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси**	**3 942 002,0**
	жорий харажатлар	*3 942 002,0*
6.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**3 846 228,0**
	жорий харажатлар	*3 846 228,0*
7.	**1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглашти-рилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари**	**42 487,0**
	жорий харажатлар	*42 487,0*
8.	**Ижтимоий кўникма маркази** (Адаптация)	**221 341,0**
	жорий харажатлар	*221 341,0*
9.	**Ободонлаштириш соҳаси**	**14 236 979,0**
	жорий харажатлар	*14 236 979,0*
10.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**6 464 869,0**
	жорий харажатлар	*6 464 869,0*

-	**Маданият бўлими**	**147 938,0**
	жорий харажатлар	*147 938,0*
-	**Бандликка кўмаклашиш маркази**	**718 233,0**
	жорий харажатлар	*718 233,0*
-	**Молия бўлими**	**708 870,0**
	жорий харажатлар	*708 870,0*
-	**Давлат ҳокимияти органлари**	**2 946 473,0**
	жорий харажатлар	*2 946 473,0*
-	**Халқ қабулхонаси**	**119 655,0**
	жорий харажатлар	*119 655,0*
-	**Кенгаш котибияти**	**160 444,0**
	жорий харажатлар	*160 444,0*
-	**Пенсия жамғармаси**	**1 168 634,0**
	жорий харажатлар	*1 168 634,0*
-	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими**	**494 622,0**
	жорий харажатлар	*494 622,0*
11.	**Фуқароларни ўзини ўзи бошқаришорганларини сақлаш**	**6 527 151,0**
	жорий харажатлар	*6 527 151,0*
12.	**Захира жамғармаси**	**1 382 640,0**

Халқ депутатлари
Юнусобод туман Кенгашининг
2020 йил "31" декабр даги
125/28-2.-сон қарорига
3-илова

2021 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

(фоизда)

Т/р.	Даромад турлари	Ажратма меъёри
1.	Жисмоний шахсларнинг мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган солиғи	100%
2.	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	100%
3.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10%
4.	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	100%
5.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
6.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	10%
7.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
8.	Айланмадан солиқ (ягона солиқ тўлови)	18%
9.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	100%